



“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ,
АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК
МАСАЛАЛАРИ” РЕСПУБЛИКА
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯСИ
(ПРОФЕССОР МУХАММАДЖОН
ХОЛБЕКОВ ХОТИРАСИГА
БАГИШЛАНАДИ)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ



**“ХОРИЖИЙ ФИЛОЛОГИЯ, АДАБИЁТШУНОСЛИК ВА
ТАРЖИМАШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ”**

Республика илмий-амалий конференцияси

Жиззах 2021 йил 23 февраль

ЖИЗЗАХ 2021

Badiiy asarni tushunish jarayonida tahlil va talqin amallari har vaqt hozir, ular tushunish jarayonining ikki qirrasidir. Aytaylik, "o'quvchi badiiy asarni tushundi" degani, mohiyatan, "o'quvchi asarni o'zicha talqin qildi" deganidir. Ayni paytda, uning asarni tushunishida tahlil unsurlari ham mavjud, zero, oddiy o'quvchi ham tushunish jarayonida asar qismlarini (mas., alohida epizodlarni, personajlarni, ularning turli holatlardagi xatti-harakati, gap-so'zlarini va h.), ularning o'zaro mazmuniy aloqalarini tasavvur qiladi. Ilgari ham aytganimizdek, konkret badiiy asar turli o'quvchilar tomonidan turlicha tushunilishi mumkin. Biroq shunisi ham aniqki, o'quvchilar ongidagi minglab talqinlarni umumlashtiradigan mushtarak nuqtalar ham mavjud. Demak, konkret asar talqinlari nechog'li turfa bo'lmasin, ularning chegaralarini belgilab beruvchi muayyan asos, deylik, yadro(javhar) mavjudki, barcha talqinlar shu yadro atrofida hosil bo'ladi. Bu yadro esa - badiiy asarning o'zi, badiiyat hodisasini o'zida moddiylashtirgan badiiy matndir. Ayon bo'ldiki, badiiy asarni tushunish jarayoni ob'ektiv va sub'ektiv ibtidolardan tarkib topar ekan: agar bu o'rinda talqin qilayotgan shaxsni sub'ektiv ibtido deb olsak, badiiy matn ob'ektiv ibtidodir.

Bundan shunday xulosa kelib chiqadiki, agar talqin qiluvchi shaxs badiiy matnni etarli darajada bilmasa, asar qismlarini, ularning o'zaro aloqalarini etarli tasavvur qilolmasa, uning talqini sub'ektivlik kasb etadi. Boshqa tomonidan, badiiy adabiyotning obrazlar orqali fikrashi, obrazning esa assotsiativ tafakkur mahsuli ekanligini e'tiborga olsak, talqinning sub'ektsiz mavjud emasligi ayon haqiqatdir. Chunki ijodkorming assotsiativ fikrashi mahsuli o'laroq yaratilgan va asarda aksini topgan obrazning mazmun qirralari faqat sub'ekt ongidagina (ya'ni, uning ham assotsiativ fikrashi asosida) qayta tiklanishi mumkin bo'ladi.

Aytigelanlar tushunish jarayonida tahlil va talqinning har vaqt hozirligining yorqin dalilidir. Oddiy o'quvchidan farq qilaroq, adabiyotshunos badiiy asarni talqin qilarkan, tahlilga tayanadi, uning talqini tahlil asosida yuzaga kelgani uchun ham ilmiy sanaladi. Shu ma'noda tahlil badiiy asarni tadqiqotchi sifatida o'qish va uqish demakdir.

Yuqoridagilardan ma'lum bo'ladiki, badiiy asar tarjimasining maqsadi - asarni tushunish (asarni baholash ikkilamchi maqsad). Xo'sh, "asarni tushunish" deganda nima nazarda tutiladi? Bu masalada ham adabiyotshunoslikda turlichalik mavjud: ayrimlar asarga muallif tomonidan yuklangan mazmunni tushunishni nazarda tutsalar, boshqalari asarda tasvirlangan narsalardan (ob'ektiv ibtidodan) kelib chiqadigan mazmunni tushunishni nazarda tutadilar. Bu qarashlarning birinchisiga ko'ra tushunish jarayonida tahlil etakchilik qilsa, ikkinchisida tarjimada talqinning mavqeい ustunroq ekanligi tayin; birinchisi badiiy asarni uning ichki va tashqi aloqalarini birlikda olib o'rganishni (kontekstul tahlil) taqozo etsa, ikkinchisi badiiy asarga alohida mavjudlik sifatida qarab, uning ichki aloqalarini o'rganish (immanent tahlil) bilan cheklanadi.

"ОЛИВЕР ТВИСТ" РОМАНИДА ЖАМИЯТДАГИ ИЖТИМОЙӢ ХОЛАТНИНГ ЕТИМ БОЛАЛАР ҲАЁТИГА ТАЪСИРИ

Сафарова Зилола Талибовна

Инглиз адабиётшунослиги кафедраси, БДУ

Мусоева Амина Абдурахмоновна

Хорижий тиллар факультети 1-босқич талабаси

Таянич сўзлар: Чарльз Дикенс, ижтимоӣ ҳаёт, етим, етимлик, реалист, мавзу, қаҳрамон, роман

Ключевые слова: Чарльз Дикенс, социальная жизнь, сирота, сиротство, реалист, тема, характер, роман

Key words: Charles Dickens, social life, orphan, orphan hood, realist, literary theme, character, novel

Аннотация: Машур инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенс "Оливер Твист" романыда ўз давридаги ижтимоий түзүм ҳамда етим болалар ҳәётини маңорат билан ёритган. Мазкур мақолада адебнинг етим ва етимлик мотивини яратышындағы үзиге хос услуги таңылға тортылады.

Аннотация: Известный английский писатель Чарльз Диккенс в своем романе "Оливер Твист" умело описал социальную систему своего времени и жизнь сирот. В данной статье анализируется уникальный стиль писателя в создании мотивов сирот и сиротства.

Abstract: In his novel "Oliver Twist", the famous English writer Charles Dickens skillfully described the social system of his time and the lives of orphans. This article analyzes the author's unique style in creating the motives of orphans and orphanhood.

Маълумки, англия адабиётининг "Виктория асри" ("Victorian age") номи билан тарихда колган даври романчилик жанрида яратылған күплаб асарларни етказиб берган. Улар орасыда инглиз ёзувчиси Чарльз Диккенс романлари алохидан зытироф этишга лойик. Ёзувчининг бир катар романлари жағон адабиёти дурданалари каторидан ўрин эгаллаган бўлиб, уларнинг деярли барчасини бирлаштириб турувчи мотив мавжуд.

Адабиётшунос олим Б. Ҳофман "Orphans and orphanhood is everywhere in Dickens" (Етимлар ва етимлик Диккенснинг ҳамма ерида бор) деб таъкидлайди [2, 11]. Диккенснинг "Оливер Твист", "Девид Копперфилд", "Катта Умидлар" каби бир катар асарларининг бош қаҳрамонлари етим эканлиги бу фикрнинг накадар түғри эканлигини исботлайди. Жумладан, адаб ўзининг "Оливер Твистнинг бошидан кечиргандар" номли романыда ўша даврдаги жамият кусурларидан бири бўлмиш иорасида етимларга бўлган адолатсиз муносабатни ҳамда ёвуз ниятли кишиларнинг уларни турли ёмон йўлларга етаклашга уринишлари сингари иллатларни очиб берган ва бу оркали инсоният қалбида дайди – етим болаларга нисбатан меҳр-шавқат туйғусини уйғота олган. Асарни таҳдил киласи эканмиз, бош қаҳрамон Оливер Твист каби ёш ва бегуноҳ болалар атрофдаги разолатта карамасдан, ўзининг поклигини саклай олиши, яхшиликка улкан ишончи туфайли, ёргу келажакка зришиши мохирлик ила қаламга олинганинг гувоҳи бўламиз.

Ўзининг деярли барча романларида асосан ота-онадан маҳрум етим болалар ҳәётининг турли жабҳаларини тасвираган буюк ёзувчи, ўз қаҳрамонларини Лондон кўчаларидан қидиришга ва уларнинг кечмишларини борича ёритишга харакат килган. Шунинг учун хам, бу асарлар нафакат инглиз, балки жағон адабиётида ҳам реализмнинг ёркин намуналари бўлиб хисобланади. Уларда ўша даврда ҳукм сурган очарчилик, кашшоқлик ва ожизлар устидан ҳукмронлик килишининг салбий оқибатлари тасвири ўрин олган. Маҳкам Махмудов ҳам адаб ҳакида фикр билдирадар экан, уни Капитализм жамиятидаги "тараққиётнинг мана шу зиддиятларини" энг чукур очиб кўрсаттан адиллардан бири деб таърифлайди [4,297]. Санна Оскарсон эса, ўз маколасида Диккенс образлари хусусида шундай фикр билдиради:

"... the characters of Oliver and Monks were created by Dickens to show the hardships of the Victorian society as well as the possibility of another, better society".(Диккенснинг

Оливер ва Монкс образлари Виктория жамияти қийинчиликлари ҳамда яхши жамиятга элтувчи имкониятларни күрсатиб берши учун яратилган.) [4,4]

“Оливер Твист” асарининг яратилишига Диккенс яшаган даврдаги стим болаларга нисбатан ачинарли муносабат, уларнинг ночор ва аянчли ахволи турткы бўлди. Асарда “Мехнат уйи”га ташлаб кетилган юзлаб болаларнинг бошидан кечиргандари, уларнинг оғир ахволи тасвирланган бўлиб, бу ерда истиқомат килувчи болалар хеч қачон қорни тўйиб овқатланмаган ва машакқатли меҳнатларга жалб килинганини кўриш мумкин. Оқибатда баъзи болалар кийинчиликдан, баъзилари эса, очикдан ўлиб кетишган. Уларнинг кўпчилиги кам конлик касаллиги билан хасталанган ва шу касаллик туфайли ёш етим, норасида болалар дунёдан кўз юмишар эди. Бу холатни эса Оливернинг ёш дўсти Дик билан бўлган сухбатдан илғаб олиш кийин эмас :

...Намунча рангинг оқариб кетибди-я.

Доктор мени ўлади деганини ўз қулогим билан эшиштдим.

..... Биламан, Оливер, доктор тўғри айтган, нимага десанг, тез-тез осмон фаришталари, кейин сира-сира кўринмайдаган меҳрибон юзлар тушимга киради. [4,42]

Ушбу жумлаларни айтган болакай Диккенс кўнглидан кечаетган изтироблари, ёшгина боланинг ўз тақдиридан нолимай ўлимини кутиб тургани инсон калбини ларзага солади.

Муаллиф асарда кўплаб болалар ўша пайтдаги энг оғир ва ифлос ишларни бажаришга мажбур килинганини ҳам очик-ойдин қоралаган. Мўри тозаловчи Жаноб Гэмфилдинг кўйидаги сўзлари орқали фикримизни ишботлашимиз мумкин:

“Ўғиз болалар-ўлардай қайсар ва дангаса ҳалқ, шу сабабли, жентльменлар, лангиллаб ёниб турган оловдан ўтаверсин, бир пасда пилдираганча настга туширади-кўяди. Устига-устак, жентльменлар, бу ҳайрли иш, сабабки, мабодо болакай мўрида тиқилиб қолса-ю, ўт ёқиб товошини кўйдира бошласанг, у жонининг борича тиширчилаб, тиқилиб қолган жойидан чиқиб кетишига тиришаади” [4,19]

Кўшимча килиб айтадиган бўлсак, айни дамдаги етимларга масъул шахсларнинг накадар лоқайдлигини болаларнинг каравот тагида колиб нобуд бўлиши ё бўлмасам, кир ювиш жараённада куйиб, дунёни тарк этиш ҳолатлари орқали билиб олиш мумкин. Чарлз Диккенс у ердаги ҳолатни шундай тасвирлайди:

“... чўп-устихон бўлиб қолган йўқсилларнинг эгниларидағи кийимларни узлуксиз равшида, қайта-қайта торайтириб тикишига тўғри келди. Бироқ, айни чогда, меҳнат уйи истиқоматчиларининг сони ҳам қашшоқларнинг таналари сингари юнқа тортиб борди ... ” [4,16]

Шу каби аянчли ҳолатлар, ижтимоий мухитнинг болалар тақдирига таъсир килмай қолмаганини кўрсатиб туриди. Қийинчилик ва адолатсизликка дош бера олмай кочиб кетган болалар сингари, ёш Оливер ҳам меҳнат уйидан бош олиб кетишига мажбур бўлади. Биргина овқат сўрагани туфайли шавкатсизларча жазолангани, унинг учун чида бўлмас золимлик сифатида юрагини каттиқ жароҳатлайди. Аммо уни ташқарида ҳам бир қатор синовлар кутиб турган эди. У тўқнаш келган дастлабки кўнгилсизлик ўзи билмаган ҳолда чўнтаккесарлар тўласига кўшилиб қолиши бўлди. Тўдабоши Феджин ёш болаларни (Артфул Додгер, Жек Докинс) мохир чўнтаккесар килиб тарбияларди ва шу жирканч йўл орқали ҳаёт кечирарди, охир оқибатда бу иплат уни дор остига олиб борди-ю, аянчли ҳалокатта рўбарў килди. Оливернинг ҳам эпчиллигини сезиб, ўз йўлига солмоқчи эди ва бир неча марта бунга уриниб ҳам кўрди,

Оливер эса ўзининг қандай ишлар учун синовдан ўтказилаётгани ҳатто хаёлига ҳам келтирмас эди, унинг учун бу шунчаки беозор болаларча ўйиндер кўринарди:

- *Кўрамиз, қани уни менга билдири май оғоларми кансан. Ерталаб ўйнаётгани мизда улар буни қандай қилинганини ўзинг кўрдинг-ку. Оливер дастрўмолни билдири май оғолди, бу эса Феджинда мамнунлик ўйготди. У ҳатто болани "энг улуғ одам чиқади сендан" деб мақтаб кўйди* [4,50].

Шу тарика Оливер ўғрилар муҳитида бир нафас яшашга мажбур бўлади ва бу киска даврда ҳаёти бир неча бор хавф остида қолади. Аммо, бу ёшгина бола ҳеч қачон ўзлигини йўқотмайди, ўз қарашлари

Бирок шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, асар қаҳрамонининг кейинги тақдирни изжобий образлар, яъни меҳрибон кишилар гамхўрлиги остида ўзгариб боради. Бундай образлар каторида Жаноб Браунлоу ҳамда Роз Мэйлиларни айтиб ўтиш мумкин. Айнан шу образлар ёрдамида муаллиф жамиятни стимларга нисбатан бағрикенг ва саховатли бўлишга чорлайди.

Асар кенг оммага тақдим этилиб, китобхонлар калбидан чукур ўрин эгаллагач, уйсиз етим болаларниң хўрланишлари сезиларли даражада изжобий томонига силжигани муболага эмас. Шу фикр тасдиғи сифатида, "У олам шодликларини кўпайтироди. Унинг китобига термилган миллионлаб жуфт кўзларда ёши язтиради, шодликлари елга суворилган юзлаб қалбларда қайтадан севинч гуллари очилди" – дейди Диккенс асарлари тадқиқотчиси Стефан Цвейг [4,295].

Бундан ташкири, Англиядаги жуда кўп соиلى олий табака вакиллари меҳрмухаббатдан мосуво, оч-яланғоч, касалликка чалинган болалар учун ўз йўлида меҳрсаҳоват улашувчилар сони ҳам тобора ошиб борган. Жаноб Браунлоу ва Роз Мэйли образлари оркали ифодаланган бағрикенглик ва етим бола тақдирига кайғуриш туйгулари кўплаб инсонлар калбida меҳр-шавкат хиссини ўйготган десак, янглишмаган бўламиз. Диккенс Оливернинг Жаноб Браунлоу хонадонидаги кунларини шундай тасвирилайди:

"Бу баҳтили кунлар – Оливернинг дарёдан ҳолос бўлиши кунлари эди. Ҳаммаёқ тишинч, чиннидай топ-тоза ва батартиб, ҳамма шундай меҳрибон ва ширинсўз эдикни, унинг наздида шу кунгача ҳаёти шовқин-сурон, гала-евонур, ур-сур билан кечганидан кейин худди жаннатга тушиб қолганга ўхшарди" [4,72].

Жаноб Браунлоунинг қарамогидаги кунлари жаннатга киёс килинган бўлса, кейинчалик Роз Мэйли кўрсатган гамхўрлик ҳам Оливер учун кутилмаган тенгти йўқ саодатдек эди:

"Ўша оқшом Оливернинг ёстигини меҳрибон қўллар тўғрилаб кўйди, то уйкуга кетгунига қадар гўзаллигу саҳоват тимсоли қошида парвона бўлди. У хотиржам ва баҳтиёр, ҳатто гиқ этмай жон беришга ҳам тайёр эди" [4,154].

Асар нафакат олий табака вакилларининг калбida иликлик туйгуларини ўйготди, балки ҳукуматнинг ўзи ҳам ҳеч кими йўқ етим болаларга давлат иқисодиётидан алоҳида маблаг ажратиб таълим-тарбиясини ҳам эътиборга олганига гувоҳлик беради С.Цвейг [4,295].

Чарлз Диккенс асар воеалари ривожини шундай эҳтиёткорлик билан олиб бордикни, натижада китобхон ўзи билмаган ҳолда воееликка муносабатини ўзгартириб боради. Танланган ҳар бир қаҳрамон қайсиdir майнода бош образнинг характерхусусиятини очиб берилишида хизмат килади. Етим ва дайди болалардан яхшилик

чикмаслигига ҳамда улардан факаттинга жиноятчи ва фирибгарлар етишиб чикишига ишончи комил бўлган жамиятда яшаган ёзувчи ўз даврининг карашларига кўрқмасдан қарши чиқиб, бундай болаларнинг ҳаммаси ҳам йўлдан адашмагани, пок қалбли болаларни озгина ғамхўрик ёрдамида тўғри йўлга солиш мумкинлиги, уларнинг тақдирини ўзгартириш айнан шу жамиятнинг кўлида эканлигини ёритиб беришга муваффақ бўлди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ahrorqulov A, Rahmonqulov A. (2012) *Jahon bolalar adabiyoti namoyondalari*. Farg'ona, Б. 92
2. Hochman, Baruch and Ilja Watchs. (1999) *Dickens: The Orphan Condition*. Fairleigh Dickinson University Press, P. 225
3. Charles Dickens. (1955) *Oliver Twist*. M.: Foreign Languages Publishing House, P. 551
4. Чарльз Диккенс. Оливер Твистнинг бошидан кечиргандари. Русчадан Эркин Миробидов таржимаси. (1984) Тошкент Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. Б. 302
5. <http://www.divaportal.org/record.jsf?pid=diva2%3A1220241&dswid=2871>
6. <https://www.sparknotes.com/lit/oliver/motifs/> (14.09.2020)

PERSONALITY TRAITS AND TRANSLATION QUALITY

Urazova Madina

JSPI, Student of Master's degree

Scientific reviewer: PhD Nargiza Burieva

The concept of personality is basic to the study of people and their behavior is the basis for the personality concept. The study of individual and personality differences is a central theme in psychology as well as the areas of social and behavior. There is no certain definition for the term personality. However, this term has been defined in different ways. For example, personality is defined as an individual trait that determines all behaviors of a person. Personality trait is a durable disposition, trait is complex and varied and on this basis, each person may display different behaviors. In other words, we can say personality trait includes the characteristic patterns of thoughts, feelings, and behaviors that make a person unique.

Translation is an interdisciplinary field of study. In fact, it relates to the psychology of language and studies the relationship between linguistic factors and its psychological aspects. The relationship between translation studies and the psychology as a field of study has been determined in recent years. Studies on the psycho-linguistic analysis of translation by many scholars indicate the inter-dependency of translation and psychology. Chesterman (2009) argues that translation is a phenomenon beyond the transfer of source language to target language. In other words, beyond a translated text there is a human being with consciousness, feeling, culture, and belief who is named translator. Hence considering such factors like translator, cultural situation, gender differences, level of knowledge and skill in understanding the source language and convey it to the target text, psychological traits, style and many other items in a translation quality assessment are inevitable.

73	<i>Юсупова К.</i> “Борлик ва Йўқлик” романидаги айрим сўзларининг таржимадаги муаммолари хусусида.....	243
74	<i>Sohibova N.</i> Milliy-tarixiy roman tarjimasida tarixiy va arxaik so’zlarning o’rni (“O’tkan kunlar” romani tarjimasi misolida).....	248
75	<i>Abdukarimova D.</i> The role and translation of metaphors in poetry.....	251
76	<i>Umarqulova M.</i> Main features and characteristics of newspaper headline.....	254
77	<i>Umarqulova M.</i> <u>Ismatullayeva Muattar</u> , Ingliz va o’zbek tillaridagi badiiy tasvir va ifoda vositalarining turlari.....	259
78	<i>Сафарова З.</i> , <i>Мусоева А.</i> “Оливер Твист” романида жамиятдаги ижтимоий ҳолатнинг етим болалар хаётига таъсири.....	263
79	<i>Urazova M.</i> , <i>Burieva N.</i> Personality traits and translation quality.....	267
80	<i>Urazova M.</i> , <i>Burieva N.</i> Translatory features denoting to human appearance and character in english, russian and uzbek languages.....	270
81	<i>Джўраев Ш.</i> Синхрон ва кетма- кет таржима жараённида исломий атамаларнинг таржимасида “ наҳт ” (Кискартириш) усулини қўллаш.....	275